

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҶОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

М.Исломова, Ҳ.Жўраев	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини	189
О.Абобакирова, М.Жабборова	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари	192
Г.Касимова	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мулоқот	196
М.Раҳмонов	
Сўзнинг саломатликка таъсири	199
М.Амонов	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида	202
Г.Умаржонова	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси	206
Х.Шокирова	
Лисоний белги концепцияси	209
З.Маруфова	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини	212
И.Аҳмаджонов	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир	215
Н.Махмудова	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари	219
А.Ахтямов	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагматингвистик таҳлили	222
З.Маматқулова	
Ўзбек кулолчилик терминларининг лисоний тавсифи	226
Х.Максудова	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат	230
Э.Абдуллаева	
Миллатлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида	234
Ш.Хошимова	
Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини	238
Ф.Абдурахимова	
Сўз ясалишида ички форма	243

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир	245
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
Қадимшунослик соҳаси билимдони	247

УДК: 8-1/-9+8-32-8-17

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲИКОЯЛАРИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ
(А.ОБИДЖОННИНГ “ГУЛИХОННИНГ ГУЛЗОРЧАСИ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)

ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКИХ ДЕТСКИХ РАССКАЗОВ
(На примере рассказа «Маленький цветник Гулихан» А.Абиджана)

GENREAL CHARACTERISTICS OF UZBEK CHILDREN'S STORIES
(ON THE EXAMPLE OF A. OBIDJON'S STORY "GULIKHON'S FLOWER PLANT")

Абобакирова Одина Набиевна¹, Жабборова Марифат Кодиралиевна²

¹Абобакирова Одина Набиевна

– Фарғона давлат университети, мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси.

²Жабборова Марифат Кодиралиевна

– Фарғона давлат университети, мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада Анвар Обиджоннинг болаларга аталган ҳикояларидаги жанр хусусиятлари таҳлил этилган. Ёзувчи маҳоратига хос жиҳатлар ёритиб берилган.

Аннотация

В статье анализируются жанровые особенности рассказов Анвара Абиджана, посвящённых детям. Раскрывается своеобразие мастерства писателя.

Annotation

Methodological peculiarities of stories for children written by Anvar Abidjan are analyzed in this article. Skills and abilities depended on the writer were explained and completely opened.

Таянч сўз ва иборалар: жанр, ҳикоя, бадий маҳорат, ёзувчи дунёқараши, болалар адабиёти, юмор, тасвир услуби.

Ключевые слова и выражения: жанр, рассказ, художественное мастерство, мировоззрение писателя, детская литература, юмор, стиль изображения.

Key words and phrases method: method, literary skill, story, writers world outlook, children bells, humor, descriptive method.

Болалар – жамиятимизнинг жажжи ва беғубор вакиллари, шунингдек, юртнинг келажиги, эртаси эгалари. Шундай экан, улар учун ҳар соҳада қайғуришимиз, асосий эътибор марказида тутишимиз зарурдир. Барча соҳаларда бўлаётгани каби юртимизда болалар китобхонлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада юртимизда ўтказилаётган китобхонлик танловлари фикримизнинг далилидир.

Болаларнинг характер-хусусияти, дунёқараши, этик-эстетик ва тарбиявий қиёфаси, қувонч-у изтиробни ҳамда орзу-интилишларини ўзида мужассам қилган болалар адабиёти ривожига Чўлпон, Ғ.Ғуллом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Боту, Элбек, Ҳ.Олимжон, О.Ёқубов, С.Аҳмад, Ҳ.Назир, Н.Фозилов, Л.Маҳмудов, А.Обиджон каби кўплаб ижодкорлар асарлари муҳим ўрин тутди. Маълумки, ҳикоя эпик турнинг кичик

шакли ҳисобланади. “Адабиётшунослик луғати”да ҳикоянинг жанр хусусиятлари ҳақида қуйидагича маълумот берилди: “...одатда, қаҳрамон ҳаётидан битта (баъзан бир-бирига узвий боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир нечта) воқеани қаламга олади. Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа вақт давомида кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақозо этади... Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши талаб этилади. Бунинг учун у ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлиши... лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асносида ҳикоянавис ё шу воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради”[1, 393-394]. Профессор Қ.Йўлдош ва М.Йўлдошнинг “Бадий таҳлил асослари” китобида тўғри таъкидланганидай, “Одатда кўпчилик ҳикояларнинг сюжети сиқик, воқеалар муаллифнинг эстетик нияти атрофига максимал даражада марказлаштирилган бўлади. Сюжетнинг тезкор ўсиши зарурати ундаги

персонажларнинг кам сони бўлишини тақозо этади... Ҳикояда эпизодик персонажлар деярли бўлмайди, агарда киритилса ҳам сюжет ривожига туртки бериб бўлиши билан тасвир доирасидан чиқиб кетади. Ҳикояда ёндош сюжет чизиги, муаллиф чекинишлари бўлмайди ҳисоб, қаҳрамоннинг ҳам кўпроқ ҳозирги тасвирланади, унинг ўтмиши сюжет ривожига учун ғоят зарур ҳоллардагина қаламга олинади... Ҳикояда воқеалар ривожига бевосита дахлдор бўлмаган баён унсурлари минимумга туширилган бўлиб, деярли ҳаммиша асар бошида келади. Чунки ҳикоя якунида улар ечимига ҳалал бериб, ўқирман диққатини чалғитиши мумкин”[2,244-245]. Шунингдек, “Ҳикояда тасвирланган воқеа ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эпик турнинг роман, повесть каби жанрларидан фарқланмаса ҳам, бироқ тасвирнинг кўлами, сюжети ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг асосан бир шахс томонидан олиб борилиши жиҳатидан фарқланиб туради”[3,250]

Ўзбек адабиётида ҳикоялар қайси ёшдаги болаларга бағишланганлига кўра куйидаги гуруҳларга бўлинади:

-мактабгача тарбия ёшдаги болаларга бағишланган ҳикоялар;

-кичик мактаб ёшидаги болаларга бағишланган ҳикоялар;

-ўрта мактаб ёшидаги болаларга аталган ҳикоялар;

-катта мактаб ёшидаги болаларга оид ҳикоялар.

Анвар Обиджоннинг “Гулихоннинг гулзорчаси” [4,5] ҳикояси мактабгача тарбия ёшдаги болаларга бағишланган. Адабиётшунос А.Сабирдинов Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ижоди ҳақида тўхталаркан, куйидагиларни эътироф этади: “Ҳозирда шеърни шакли ва мазмуни жиҳатдан муттасил янгилаш учун изланишда бўлган шоир уни ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва жаҳон адабиёти анъаналарига уйғунлаштириб, қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Ушбу муваффақиятлар шоир асарларида кишилар дилидаги гапларни жонли, ҳаётий, халқона усулда ифодалашда, чуқур фалсафасида, бир қарашда оддий кўринган воқелик тасвирда ўзгача маъно касб этишида, изтиробли ҳодисаларнинг ним табассум билан ёритилишида бўлса, ажаб эмас”[5,49-50].

Дарҳақиқат, шеърятда бўлгани каби прозада ҳам Анвар Обиджон ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва жаҳон адабиёти анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда болаларбоп воқеликни ҳаётий, ҳаққоний, содда ифодалашга эришади. Ёзувчи асарга ушбу ёшдаги болаларнинг фикрлаш тарзи, дунёқарashi, руҳиятини ҳисобга олган ҳолда оддий бир воқеликни асос қилиб олади. Асарда эртақларга хос услуб – асаларини одамларга ўхшаб сўзлатиш орқали уларга хос бўлган жиҳатлар ёритилганлиги билан ажралиб туради. Бу, Шарқ мумтоз адабиётидаги интоқ санъатини ёдга солади. Ёзувчи ҳикояга дидактик руҳни сингдиради. Асаларини болалар кўз ўнгида гавдалантириш учун “дурбинкўз” сифатлашидан фойдаланиб, жонли ва аниқ чизгисини намоён этади. Печакгуллар сурнайчаларни эслатиши эса мактабгача ёшдаги болалар дунёқарашига мослиги билан ҳикоядаги таъсирчанликни юзага келтирган. Ёзувчи болаларнинг одатда бир-бирига лақаб қўйишга иштиёқманд бўлишларини ҳисобга олиб, ҳикоянинг жонли, ҳаётий бўлишига эришади. Гулихон асаларига “Ғизғизқори”, деб мурожаат қилади. Бу, ўз навбатида, ҳикояда энгил юморга мойил талқинни, ҳикоя умумий пафосидаги некбинликни юзага келтиради. Маълумки, мактабгача ёшдаги болаларга аталган асарлар ҳажман қисқа, ифодалари лўнда, сюжети оддий бўлиши лозим. Анвар Обиджон ушбу ҳикоясида ҳам ана шу жиҳатларни эътиборга олади.

Ҳикоя Гулихоннинг эрта баҳорда бувиси томонидан супрадеқкина ерга гул уруғини сепаиб парвариш қилиши, кунлар ўтиб печакгул-у сапсаргуллар, чиннигул-у пистакўзлар ранг-баранг бўлиб очилиб, узокдан қараганда худди атлас рўмолчани ўзгинаси бўлганлигини тасвирлаш билан бошланади. Сўнг “Гулихон гулзорчасининг чиройидан кўз узолмай, завқи тошиб турганида, “виз-з” этган товуш эшитилади. Қаёқдандир учиб келган дурбинкўз асалари сурнайчаларни эслатовчи печакгуллардан бирига қўниб, ичига шўнғиди. Бундан Гулихоннинг зардаси қайнади: “Ҳей, Ғизғизқори, нима қилипсан? Киш!” Ўзи тўғрисида “Ғизғизқори – оғзи тўла дори”, деган матал борлигини кичкиналигидаёқ билиб олган асалари: “Ие! Нега мени ҳайдамоқчи бўляпсан?”, – деб сўраган эди,

Гулихон, Бу гулларни мен экканман, уларга тегма!" – дея ўшқириб берди" [4,5]. Шунда Ғизғизқори "аттанг" дея бош тебратиб унинг ўзи эккан гулларига ўзи ёмонлик қилаётганини таъкидлайди. Асаларининг айтишича, у гўё қўнган чоғида ғунчадаги чанглар оғзию оёғига ёпишиб қоларкан, кейин бошқа гулларга қўниб, бу чангларни уларга юқтирар экан. Агар чечаклардаги чанглар бир-бирига юқтирилмаса, ғунчалар нимжонлашиб очилмасданоқ тўкилиб тушаркан.

Гулихон бу сўзлардан кейин ўз қилмишидан пушаймон бўлди. Бошқа асаларилар келгач, бемалол гулдан гулга қўниб ўйнайверишларига рухсат берди. Шунда асалари чечакларнинг тубида ширин тотқилар борлигини, ана шу тотқиларни симириб асалга айлантиришларини айтдилар. Уларнинг айтишича, маҳалла этагида яшовчи Турдибек ота асалариларга ёғоч уйча қуриб берган, асаларилар асалларини ўша уйчага элтиб тўплар эканлар.

Гулихон роппа-роса тўрт ёшга тўлган куни дадасидан Турдибек отанинг асалидан совға қилишларини сўрайди.

Эртаси куни Гулихон асалариларга асаллари ниҳоятда ширин эканини айтганда, улар ота-буваларидан бошқаларга яхшилик қилиш одатлари ўтганини, бошқаларга фойдалари тегадиган иш қилсалар, хурсанд бўлиб кетишларини баён этадилар. Шу боис ҳам барча уларни яхши кўришларини ўқтирадилар. Гулихоннинг ана шу кундан бошлаб хулқ-атвори ўзгаради, бошқаларга фойда келтиришни ўйлай бошлайди. Бирор юмушни қувониб бажарадиган бўлади.

Ҳикояда асаларининг табиатдаги ўрни, уларнинг инсонлар учун фойдали ҳашаротлар эканлиги ҳақида маълумот берилади. Маълумки, ҳикояда кўпинча қаҳрамоннинг бир ёки бир неча кунлик ҳаёти акс этади. Сюжет битта, воқеалар узун бўлмайди. Анвар Обиджоннинг юқоридаги ҳикоясида ҳам худди шу жиҳатларни учратамиз. Ушбу ўринда Шавкат Одилжоннинг Анвар Обиджон ижоди ҳақидаги сўзлари характерлидир: "Питбўл" дейсизми, "Патийдин"ми, хуллас, барча-барчасида ўзига хослик, ширинсуханлик, алоҳида услуб, сўз айтиш санъати ва водийликларга хос аския мужассам. Телевизорни – телевизўр, экранни – расмойна тарзда қўллаш ҳам фақатгина

полосонлик Анвар Обиджонга ярашадигандай, чамамда. Унинг қаҳрамонлари бир-биридан қизиқ характерга эга, айнаи чоғда бу характерга мос исмлар ҳар бир асарини янада бойитиб, худди одам хазинага интилган каби, кейинги саҳифани варақлашга шошади. "Топиндиқ оға", "Суробхўжа", "Ўртанвой", "Бойсин новча", "Шоир Нашватий", "Машмашахон", "Мармарқўзи" сингари номлар, уларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари адибнинг адабий топқирлиги, ижодий хаёлотининг нақадар кенглигидан далолатдир. Устоз ижодкорнинг ҳазиломуз асарлари шунчаки кулги, юмор устида қурилмаган. Уларда гоҳо аччиқ, гоҳо ширин, ҳаётдан топган ҳақиқатлар яширин. Ҳар бир асар қайсидир иллатга, бадбинликка қарши йўналтирилган. Ўқувчи эса ана шу нозик нуқтани, кулги ва ҳақиқат топишган чорраҳани завқ-шавқ билан, теран мулоҳаза билан, бургут кўзи билан кузатиб туради" [6].

Дарҳақиқат, "Гулихоннинг гулзорчаси" ҳикоясида оғзаки нутққа хос "супрадек", "зувиллаб", "возира-вузур" ҳамда болаларнинг чучук тил билан қўллайдиган "ачом-ачом", "аччаломлайтим" каби сўзларни асарга олиб кириб, воқелиқдаги жонлиликни таъминлайди, тасвир ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигини оширади.

Анвар Обиджон ҳайвонот-у ҳашаротларни ўзларини сўзлатиш орқали болаларни ҳикоядаги образларнинг яшаш тарзи билан таништиради. Жонзоту ҳашаротларни одамлар сингари фикрлатиб, ҳаракат қилдира билиш, муаллифнинг тасвирда холис бўлиши, енгил юмор орқали жонлиликни, болаларбоп бўлишликни таъминлаш Анвар Обиджон ҳикоялари учун хосдир. Жонзот-у ҳашаротларни одамлар сингари фикрлатиб, ҳаракат қилдира билиш, муаллифнинг тасвирда холис бўлиши, енгил юмор орқали жонлиликни, болаларбоп бўлишликни таъминлаш Анвар Обиджон ҳикоялари учун хосдир.

"Эзоп тили" орқали даврнинг долзарб муаммоларини танқид қила олиш Анвар Обиджоннинг болаларга аталган ҳикояларини катталар учун ҳам сеvimли бўлишини, матн остига жиддий масалаларни сингдира билиш эса таъсирчанликни юзага келтирган жиҳатлардандир. Шунингдек, Анвар Обиджон болалар ҳикоячилигини ўта жўн, тўпори тасвирдан халос қилиб, жонли, ҳаётий талқинлар билан таъминлади.

Анвар Обиджон ҳикояларининг жанр хусусиятлари, аввало, уларнинг ҳар бири ўзига хос бошланма ва тугалланмага эгаллиги билан ажралиб туради. Бошланмалари ўқувчини ўзига хос тарзда воқеалар ичига олиб кирса, тугалланмаларида ўзига хос хулоса, қаҳрамонларнинг яхшилиқ, яхши хулқ томон юз буришларини тасвир этади.

Ўзувчи болалар учун ёзилган асарларда некбинлик, кўтаринки тасвир услуби етакчи ўринда бўлиши лозимлигини, йўқса, улар руҳиятига салбий таъсир этиши мумкинлигини яхши билади. Шу боис Анвар Обиджон ҳикоялари болалар китобхонлигида алоҳида ўрин тутиши билан аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: "Akademnashr" 2010.
2. Қазақбой Йўлдаш, Муҳайё Йўлдош. Бадий таҳлил асослари. –Т.: "Камалак", 2016.
3. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979.
4. Anvar Obidjon. Kezargon Boychечak. Кезаргон Бойчечак. –Т.: Cho'lpon nomidagi nashriyot - matbaa uyi, 2016.
5. Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. –Т.: "Akademnashr", 2016.
6. Шавкат Одилжон. Анвар Обиджон. // – Жаҳон адабиёти. –2015 йил, 6-сон.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)